



**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**2022 йил 09 март**

**Сайхунобод тумани**

**4-1202-2202/145-сонли иш**

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Сафарова котибалигида, аризачи А.нинг, қарздор “Д” фермер хўжалигини (содалаштирилган таомилга кўра) банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили Н. (09.03.2022 йилдаги № 25/478-сонли ишончнома асосида) иштирокида Сайхунобод тумани Сайхун кўрғонида жойлашган Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И:**

А (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, аризасида Сайхунобод туманида фаолият юритган қарздор “Д” фермер хўжалиги (бундан буён матнда “қарздор” деб юритилади) кредиторлик қарзини қарздорлик пайдо бўлгандан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт давомида бажармасдан келаётганлиги, ҳозирги кунда қарздор фаолият юритмаётганлиги ва тўлов қобилиятини йўқотганлигини баён қилиб, қарздорни (содалаштирилган таомилга кўра) банкрот деб топишни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади ва вакил(лар)и иштирокини таъминламади.

Бу ҳолда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 127, 128, 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида жавобгар вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи аризачининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, қарздор Сайхунобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш” инспекцияси томонидан 26.03.2000 йилда ....-сонли рақам билан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган ва А.дан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган. Қарздор раҳбари сифатида Р. ишлаб келган.



Солиқ органи томонидан “солиқ тўловчининг идентификация рақами” СТИР ..... берилган.

Қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи ундируви фермер хўжалигининг мол-мулкига қаратиш юзасидан бир нечта Анинг қарорлари мавжуд бўлиб, ушбу қарорларнинг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланганлиги сабабли Мажбурий ижро бюроси Сайхунобод туман бўлими томонидан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 40-моддаси 3-бандига асосан ижро ҳужжат(лар)ини ундирувчига қайтариш ва ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Аризачи томонидан тақдим этилган қарздорнинг охириги баланс ҳисоботи, солиштирма далолатнома ва бошқа ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг 10.02.2022 йил ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида 33 836 806 сўм, Сайхунобод туманлараро “Агрокимёҳимоя” минерал ўғитлар базасидан 21 771 260 сўм, “Markaziy osiyo urug`lik kompaniyasi” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонасидан 15 118 375 сўм, “OQOLTIN DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамиятидан 6 860 400 сўм қарздорликлари мавжуд.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Суд, қарздор фаолият юритмаётганлиги, кредиторлик қарзлари юзага келган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан бажарилмаётганлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлигини инobatга олиб, қарздорни банкрот деб топишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 25 февралдаги № 03-03/205-сонли хатга кўра тавсия этилган тугатиш бошқарувчиси этиб С.нинг номзодини тасдиқлашни лозим деб топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида давлат божи ундирилишини инobatга олиб, 810 000 сўм давлат божини қарздор зиммасига юклашни ва қарздордан аризачи фойдасига 21 600 сўм почта харажатини ундиришни лозим топади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 4, 5, 51, 52, 124, 126, 188, 189-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 36, 112, 113, 114, 118, 170, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

А.нинг аризаси қаноатлантирилсин.



“Д” фермер хўжалиги (соддалаштирилган таомилга кўра) банкрот деб топилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

“Д” фермер хўжалигига тегишли бўлган мол-мулки ҳисобидан қарздорни тугатиш бошқарувчиси орқали Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 810 000 сўм давлат божи, А. фойдасига 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

“Д” фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинган пайтдан бошлаб қарздорнинг ўз мол-мулкани тасарруфдан чиқариши, ўзга шахсга бериши ва пул мажбуриятларини тўлаши тақиқлансин, банкдаги ҳисобварағи бўйича операциялар, дивидендлар ва мажбурий тўловларни тўлаш тўхтатиб қўйилсин.

Қарздорнинг барча қарз мажбуриятларининг муддати ўтиб кетган деб ҳисоблансин, унга янги талабларни тақдим этишга йўл қўйилмасин.

“Д” фермер хўжалиги фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси этиб С.нинг номзоди тасдиқлансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- қарздор “Д” фермер хўжалигини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 52, 53 ва 127-моддаларида кўрсатилган қоидага риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

- тугатишга доир иш юритишни қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва 2022 йил 11 апрелга қадар судга унинг натижалари ҳақида оралик ҳисобот, 2022 йил 10 майга қадар якуний ҳисобот тақдим қилиш;

- қарздорнинг бюджет олдидаги қарздорликларини субсидиар тарзда қарздор раҳбаридан ундириш учун фуқаролик судига даъво ариза киритиш чоралари кўриш;

- шунингдек қарздорнинг 2 йиллик молиявий фаолиятини текшириб кўриб, сохта банкротлик аломатлари юзасидан хулосани 2022 йил 11 апрелга қадар тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

Мажбурий ижро бюроси Сайхунобод туман бўлими зиммасига “Д” фермер хўжалигига нисбатан чиқарилган барча суд ҳужжатларини тугатиш бошқарувчисига топшириш мажбурияти юклатилсин.

Суднинг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши лозим.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Н.Сангиров**

